

**«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIIYASI,
ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI
HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELERI»
ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILIMY-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI**

**1873-ЙИЛГИ ФОЖЕА. ЧОР РОССИЯСИНИНГ ҚРАҚАЛПОҒИСТОН
ХУДУЛАРИНИ БОСИБ ОЛИШИ**

Н.Б.Бекбаулиева

Қорақалпоқ давлат университети

XIX асрнинг 70–йиларига келиб чор Россияси Ўрта Осиёнинг аксарият қисмини ўзига бўйсундирган ва Хива хонлигини истило қилиш режасини тузаётган эди [1].

Туркистон генерал–губернатори фон–Кауфман 1872 йил 12 ноябрда император Александр II га ёзган мактубида Хивага қарши уруш муқаррарлигини билдирди. 1872 йил 23 ноябрда Петербургда ҳарбий министр Д.Милютин раислигида кенгаш бўлиб, унда келгуси йил баҳорида Кавказ, Оренбург ва Туркистон ҳарбий округи бирлашган қўшинлари Хивага қарши ҳужум бошлаши ҳақида қарор қабул қилинди. Кенгашда қатнашган фон–Кауфман 1872 йил 3 декабрда Петербургда Александр II билан учрашган вақтида режалаштирилаётган ҳарбий ҳаракатнинг фойдали томонлари ҳақида императорни хабардор қилди. 1872 йил 12 декабрда император ҳарбий кенгаш қарорини тасдиқлади.

“Аmmo Россия давлати мундан бурун беш мартаба Хоразм устига аскар юбориб, аларнинг баъзилари Хоразм йўлида ташналикдин қирилиб, баъзилари Хоразмга бориб урушиб, қирилиб, ҳанузгача асло зафар топа олғонлари йўқ эрди. Бас, император аъзам бу бобда тамоми аркони давлати билан маслаҳат этиб, ул тарафга бормокға қайси йўл яхшироқ эканин билмай, ложарам (чорасиз) Хоразм устига тўрт тарафдин аскар юбормакни илтизом (лозим кўрмоқ) этдилар” [2], — деб ёзганди муаррих Муҳаммад Юсуф Баёний.

1873 йил феврал–март ойларида Россия қўшинлари Красноводск, Манғишлоқ, Оренбург, Тошкент ва Перовскдан чиқиб, 5 та йўналишда Хива хонлиги қарши юриш бошладилар.

Туркистон генерал–губернатори К.П.фон–Кауфман қўмондонлигида 22 рота, 1800 казак ва 18 тўп, генерал–майор Н.А.Веревкин бошлиқ Оренбург отрядида 15 рота, 600 казак, 8 тўп, полковник Ломакин бошчилик қилган Манғишлоқ отрядида 12 та рота, 800 казак, 8 тўп бор эди. Рус аскарларининг умумий сони 13 мингдан ортиқ бўлиб, улар 56 тўп–замбарак, милтиқлар билан қуроллантирилганди [1]. Бу даврда Хива хонлигида 2 минг отлиқ, 4 минг пиёда навкар ва 27 замбарак бўлиб, улар асосан пойтахтда тўпланган эди [1].

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILIMY-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

Рус армиясининг асосий қисмини ташкил қилган ва 1873 йил 5 мартда Тошкентдан чиққан кўшинда 11 минг пиёда, 6 минг отлик ва 2500 тўпчилар ва 400 туяга ортилган юк бор эди. Кўшин Жиззахга келгач, Шўркўл яқинидан Нурота тоғлари ва Қизилқум орқали 700 км. ортик хатарли йўлга кирди. Буқонтоғ яқинида уларга Қазалидан 6 мартда чиққан 1400 кишилик кўшинга кўмондонлик қилаётган подшо Александр II нинг укаси Николай Константинович, герцог Лейтенбергский, америкалик журналист Мак Гахан ва бошқалар кўшилдилар.

Генерал Н.А.Веревкин кўмондонлиги остида Оренбургдан чиққан кўшинлар Эмба истехкомида бироз дам олгач, 26 мартда 5 минг туяга ортилган юклари билан Устюрт қирлари томон ҳаракат қилабошлади. Руслар Орол денгизи ғарбий соҳилидаги Айбуғур қўлтиғи бўйлаб юриб, 2-майда Хива хонлигининг Янгиқалъа истехкомига етиб келдилар.

9 апрелда Кандирли кўрфазидан йўлга чиққан полковник Ломакин кўмондонлигидаги Кавказ отряди Беш-Оқ тоғ, Қизил-Айғир орқали ўтиб 12-майда Қўнғиротда Оренбург отряди билан кўшилди..

Атрек воҳасидаги Чакишлар деган жойдан Хивага қараб йўлга чиққан полковник Маркозов кўмондонлиги остидаги Кавказ округи 2200 кишилик рус кўшинлари Қорақум орқали ўтган карвон йўлларидаги қудуқларни тополмасдан, 400 км. йўл босгач ва кўзланган манзилга 180 чақирим қолганда, 22 апрелда орқага қайтишга мажбур бўлдилар.

Русларнинг олдинги отрядлари дарёдан ўтиш учун қулай жойни излашни давом эттирдилар. Шўраҳон ва Туйнуқли яқинидан кўшинларни ўтказиш кўзланган бир вақтда кейингиси маъқул деб топилди. Бир қисм кемалар ёрдамида 5 кун деганда рус аскарлари сўл қирғоққа ўтказилди. Узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтган руслар Янгибозор, Карвак, Овшар каби қишлоқларда бир ҳафта давомида ҳордиқ чиқардилар.

Устюрт орқали ва Манғишлоқдан келаётган руслар Қўнғиротга яқинлашдилар. Бу ҳақда қўнғирот бийлари Хабниёзбий, Саидбий, Тожимуродбий, Мансурбийлар маслаҳатлашиб хонга ҳабар юбордилар. Руслар эса бир неча кун ҳордиқ чиқаргач, Қўнғиротга бир неча марта тўп отиб, шаҳарни деярлик жангсиз қўлга қиритдилар. Қалъани ташлаб қочган бийлар кейинчалик йўл-йўлакай 300 га яқин отлиқлар билан рус отрядларига вақти-вақти билан ҳамла қилиб турсаларда, сезиларли талофат етказа олмадилар.

Руслар Хўжаэлига яқинлашган вақтда Элтўзар иноқ буйруғи билан Абдулла маҳрам бир гуруҳ имронли туркман отлиқларига бош бўлиб, тўқайзорда зарба

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŇ AKTUAL MASELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILIMY-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

берди. Натижада хиваликлар ўнтача рус аскарларининг каллаларини кесиб, 13 та оти ва бир миқдор аслаҳаларни ўлжа олиб қайтдилар. Русларга ёрдамга юборилган 25 отлик қозоқлар кечикиб келдилар ва бенатижа орқасига қайтдилар.

Рус қўшинлари бироз йўл юргач, хиваликларнинг яна бир гуруҳ лашкарларига дуч келдилар. Қурол–аслаҳаси қилич, қалқон, найза, ўқ–ёйдан иборат хиваликлар русларнинг милтиқ ва тўплари зарбасига бас кела олмадилар ҳамда Хўжаэлига чекиндилар. Бу ерда Иноқбек қўшинларини сафлаб, жангга ҳозир бўлиб турарди. Аммо Худоёр қўшбеги олиб келган хоннинг буйруғига асосан қўшинлар Хивага қайта бошлади. Шу вақтда Майманада турган русларга ёвмуд ва чавдор туркманлари ҳужум бошладилар. Улар отлар ва туяларни олиб, Манғитга равона бўлдилар. Қайтиб келиб яна жангга қирган вақтларида, русларнинг ўқ жаласига дуч келдилар ва тоб бераолмай чекиндилар.

Руслар хивалик ватанпарварларнинг хавfli ҳужумларини Манғит қалъаси яқинидаги жангларда ҳақиқатдан ҳам кўрдилар. “Жуда кўп миқдордаги хивалик отлиқлар худди ерни ёриб чиққан сингари гир атрофимизда пайдо бўлиб, тобора орта бордилар ва тезда улар ҳамма томонимиздан ҳужум қила бошладилар,— деб ёзганди ўз эсдаликларида М.Алиханов–Аварский. — Хон лашкарлари қиличларини ялағочлаганча ҳавода намоишкарона ўйнатиб, осмону-фалакни қийқириқлар билан ларзага солиб, Русия армиясини ўраб-сиқиб кела бошладилар... Бир отлиқлар тўдаси бирданига олдинга ташланиб отрядимиз сафига ёриб кирди. ...Уларнинг ҳужуми қайтарилиб турган бир пайтда қаршимиздан, ўт-ўланлар орасидан кўқисдан бир туркман отлиғи отилиб чиқиб, отряднинг от-арава ва юк ортилган туялар олдида турган капитанни устига бостириб келиб, пистолетидан отиб ташлади. Кейин бизнинг арава ва туяларимизни оралаб ўтиб бутун бир пехоти взводи олдидан орғумоғини намоишкорона чоптириб, яланғоч қиличини ҳавода силкитиб қайтиб кетди. Унинг орқасидан отилган ўнлаб ўқлар, ҳеч қандай зиён-захмат етказмади” [3],— деб ёзганади.

Юқорида воҳага келган русларнинг маҳаллий халққа озор бермагани ва уларга нисабатан хоразмликларда ҳам душманлик кайфияти сезилмаганлиги ҳақида сўз юритилганди. Аммо руслар ҳамма вақт ҳам раҳмдиллик билан ҳаракат қилмаганлар. “Чун Манқит ёвуқида бир улуғ овбалиққа келдилар,— деб ёзганди улар ҳақида Баёний. — Веруфкин буюрди: рус аскарлари ул овбаға ҳужум этиб, аҳолини эркагу хотун ва ёшу қарига қарамай қатлиом этиб, ондин сўнг ўтлаб ул обани ер била яксон этдилар. Ондин сўнг мунинг била ҳам қаноат этмай, Манқит қалъасига ҳамким, бурунроқ аҳолиси келиб қалъани Русияга таслим этиб, амон

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILIMY-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

топиб қайтиб эрдилар, хужум этиб кириб эркагу хотун ва қариву йигит ва аёлу афтолдин бешикдаги ўғлонларигача кириб қатли ом этиб, иту эшак ва ҳар турлик жондор йўлукса ҳам, отар эрдилар. Чун жондор қўймай кириб тамом этдилар, шаҳарни ўтлаб чиқиб кеттилар” [2]. Баёний Манғит қалъаси ва унинг яқинида бўлган жангларда руслардан бир мингбоши, 4 саркарда ва бир неча зобит ва бир микдор аскарлар ўлдирлганлиги ҳамда 15 киши ярадор этилганлиги ҳақида ёзади.

Бундай бераҳмлик кейинчалик ҳам давом этди. Янгиёпга келган генерал Н.А.Веревкин маҳаллий бойлардан бири — Ғанибойнинг ҳовлисига тўпланган 60 нафарга яқин одамларни қатл эттирди.

Русларнинг Ҳива хонлигини истило қилиш вақтида ҳаддан ташқари катта талончилик қилгани ва бераҳмлик билан маҳаллий аҳолини қирганлиги ҳақида сафар қатнашчилари қайд қилган жуда кўплаб маълумотлар сақланиб қолган. Полковник М.Алиханов–Аварский бундай бедодликлар ҳақида шундай гувоҳлик берганди: “Мен Манғитдаман. Кўчаларда ва ҳовлиларда сочиб ташланган мол-мулклар орасида ўликлар думалаб ётибди. Умидсиз, чорасиз ҳолатга тушган бир ўзбекнинг кўчадан чошиб ўтаётганига кўзим тушди. Уни казак нишонга олаяпти... бечора ерга йиқилди. Дарвоқе, Манғитда шундай воқеа ҳам юз берди: Тор кўчадан зўрға, гандирақлаб ўтаётган баланд бўйли чолнинг қилич билан икки жойидан чопилган, яланғоч бошидан қон отилиб юзига ва соқолига оқиб тушмоқда. Унинг орқасидан қонга бўялган қиличи билан оқ фуражка, кийган маст ҳолдаги, казак қувиб келмоқда.

Манғитни айланиб юриб, шаҳардан оқиб ўтган ариққа тўғри келиб қолдим. Унинг ичида нажот истаб, бўйинларигача сувда ботиб турган, қўрқувдан юзлари ўзгариб кетган бир неча хотинларни кўриб юрагим шув этиб, орқамга тортиб кетди. Улардан узок бўлмаган ариқ бўйидаги дарахтлар тагида ва девор оралағидаги торгина бир жойда анча ёшга кириб қолган бир неча эркак ва хотинлар бекиниб турмоқда эдилар. Эҳтимол улар ҳам ўз ўлими дақиқаларини қалтираб, кутмоқда эдилар... Мени кўрган заҳотиёқ барчалари тиз чўкдилар ва омонлик тилаб, йиғлай бошладилар” [3].

Адабиётлар

1. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. — Т.:“Шарқ, 2000. — 139–Б.
2. Баёний М.Ю.Шажараи Хоразмшоҳий. –Т.: “Адабиёт ва санъат”. 1994. 205–Б.
3. Алиханов-Аварский М. Поход в Хиву Кавказских отрядов в 1873. — СПб., 1899. — 206-208-Б.